



Аккредитация маълумотларини бошқариш

Аккредитация маълумотларини бошқариш тизимнинг **Akademik arxiv / Akkreditatsiya** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).



1-расм. Аккредитация ойнаси

Талаба ўқишни тугатадиган пайтда аккредитациядан ўтказилади. Аккредитация ойнасида талабанинг мутахассислиги, таълим тури, таълим шакли, ўқув режа, юклама, фанлар сони (режа), фанлар сони (баҳо) ва фарқи каби маълумотлар мавжуд. Талабани аккредитациядан ўтказиш учун фанлар фарқи 0 (нол) бўлиши керак. Агар фанлар фарқи 0 (нол) бўлса **Tasdiq** устунидан тасдиқни ёқиб тасдиқлаш керак. Ўқув режадаги фанлар рўйхатини кўриш учун **Fan soni (reja)** устундаги сонни танланг, масалан **15**. Бунда талабанинг барча фанлари рўйхати чиқади (2-расм).



2-расм. Режадаги фанлар рўйхати

Худди шу кетма-кетликда талабанинг ўзлаштирган фанлар сони ва фанлар фарқини кўриш мумкин.

Талабанинг аккредитация маълумотларини кўриш учун аккредитация ойнасидан (1-расм) талабани танланг. Натижада талабанинг аккредитация маълумотлари пайдо бўлади (3-расм).

#	O'quv reja fanlari	O'z-gan fanlar	Semestr	O'zlashtirgan	Yuklama/ Kredit	Ball	Baho
Fan qaydnomasi (Asosiy)					2160 / 74	76.77	
1	Amaliy matematika	Amaliy matematika	1-semestr	Ha	210 / 8.00	69.00	3.00
2	C/C++ dasturlash	C/C++ dasturlash	1-semestr	Ha	180 / 6.00	78.00	4.00
3	Chet tili (Ingliz tili)	Chet tili (Ingliz tili)	1-semestr	Ha	60 / 4.00	90.00	5.00
4	Diskret matematika	Diskret matematika	1-semestr	Ha	120 / 4.00	82.00	4.00
5	Falsafa	Falsafa	1-semestr	Ha	180 / 6.00	72.00	4.00
6	Fizika	Fizika	1-semestr	Ha	270 / 8.00	92.00	5.00
7	Huquqshunoslik	Huquqshunoslik	1-semestr	Yo'q	120 / 2.0	-	-
8	Ma'lumotlar bazasi	Ma'lumotlar bazasi	1-semestr	Ha	180 / 8.00	78.00	4.00
9	Mashinali o'qitish	Mashinali o'qitish	1-semestr	Ha	180 / 8.00	91.00	5.00
10	O'rnatilgan tizimlar	O'rnatilgan tizimlar	1-semestr	Ha	240 / 8.00	90.00	5.00
11	O'zbek tili	O'zbek tili	1-semestr	Ha	180 / 4.00	78.00	4.00
12	Rus tili	Rus tili	1-semestr	Ha	180 / 4.00	92.00	5.00
13	Tarix	Tarix	1-semestr	Ha	180 / 6.00	86.00	4.00
Davlat imtihoni qaydnomasi							
14	DAK (Tarix)	DAK (Tarix)	1-semestr	Ha	100 / 4.00	88.00	4.00
Bitiruv ishi qaydnomasi							
15	Bitiruv malakaviy ishi	Bitiruv malakaviy ishi	1-semestr	Ha	100 / 6.00	87.00	5.00

3-расм. Талаба аккредитацияси

Талаба аккредитация ойнасида талабанинг барча фанлари рўйхати ва фанларнинг баллари кўринади. Агар талаба фанининг бали бўлмаса тизимда алоҳида кулранг фонда фан ажралиб туради (**Huquqshunoslik**). Талаба фанни ўзлаштириган бўлса фанни танлаб бални киритиш мумкин. Бунинг учун фанни танланг. Натижада фаннинг балини киритиш ойнаси очилади (4-расм).

Huquqshunoslik fanining balini kiritish

Fan nomi *
Huquqshunoslik


Umumiy yuklama: 120 Kredit: 2.0 Ball: 80

Saqlash

4-расм. Фан балини киритиш

Фан балини киритилгандан сўнг **Saqlash** тугмасини танланг. Натижада талаба фанининг бали шаклланади.

Талабани аккредациядан ўтказиш учун тизимнинг **Akademik arxiv / Akkreditatsiya** menyusini танланг (5-расм). Аккредитация ойнасида талабанинг ўзлаштирган фанлар сони ва фанлар фарқини кўриш мумкин. Фанлар фарқи **0** га тенг бўлганлиги учун тасдиқ тугмасини ёқиб тасдиқлаб қўйилади.



The screenshot shows the 'Akkreditatsiya' (Accreditation) interface in the HEMIS OTM system. The interface is in Uzbek and displays the following information:

- Navigation Menu (Left):** Xodimlar, Talabalar, Talaba harakati, O'quv jarayoni, Davomat, O'zlashtirish, Nazoratlar, Akademik arxiv.
- Page Header:** HEMIS OTM, Telekommunikatsiya texnologiyalari, O'zbekcha, JAMSHID ELOV Dekan.
- Filters:** Telekommunikatsiya texnologiyalari, Bakalavr, 5330700 - Axborot texnologiyalarining dasturiy ta... Kunduzgi, Suniy_intellekt_2021-2022, 365-MB.
- Table:**

<input type="checkbox"/>	Talaba	Mutaxassislik	Ta'lim turi	Ta'lim shakli	O'quv reja	Yuklama	Fan soni (Reja)	Fan soni (Baho)	Farq	Tasdiq
<input type="checkbox"/>	SODIQOVA ORZIGUL SADULLOYEVNA	Axborot texnologiyalarining dasturiy ta'minoti	Bakalavr	Kunduzgi	Suniy_intellekt_2021-2022	2280 / 76	15	15	0	<input checked="" type="checkbox"/>

1-1 / jami 1 ta

5-расм. Аккредитация ойнаси

Талаба аккредитациядан ўтказилгандан талабани битиртириб диплом маълумотларини шакллантириш мумкин.